В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

Рузиев Менглибай Холтожибаевич

ЧЕГАРАЛАНМАГАН СОҲАЛАРДА СИНГУЛЯР КОЭФФИЦИЕНТЛИ АРАЛАШ ТИПДАГИ ТЕНГЛАМАЛАР УЧУН ЛОКАЛ ВА НОЛОКАЛ ЧЕГАРАВИЙ МАСАЛАЛАР

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика (физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DOCTOR OF SCIENCE) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2020 йил

УДК: 517.956.6

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

РУЗИЕВ МЕНГЛИБАЙ ХОЛТОЖИБАЕВИЧ

ЧЕГАРАЛАНМАГАН СОҲАЛАРДА СИНГУЛЯР КОЭФФИЦИЕНТЛИ АРАЛАШ ТИПДАГИ ТЕНГЛАМАЛАР УЧУН ЛОКАЛ ВА НОЛОКАЛ ЧЕГАРАВИЙ МАСАЛАЛАР

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика (физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DOCTOR OF SCIENCE) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2020 йил

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/FM80 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Фанлар Академияси В.И.Романовский номидаги Математика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (http://kengash.mathinst.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида(www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Салахитдинов Махмуд Салахитдинович** физика-математика фанлари доктори, академик
Расмий оппонентлар:	**Псху Арсен Владимирович** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Дурдиев Дурдимурод Қаландарович физика-математика фанлари доктори, профессор
	Зикиров Обиджан Салижанович физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси В.И.Романовский номидаги Математика институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _______соат___ _ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улугбек тумани, Мирзо Улугбек кўчаси, 81-уй. Тел.: (99871) 262-75-44, факс: (99871) 262-73-57, e-mail: kengash@mathinst.uz.)

Диссертация билан В.И.Романовский номидаги Математика Институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__________ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улугбек тумани, Мирзо Улугбек кўчаси, 81-уй. Тел.: (99871) 262-75-44).

Диссертация автореферати 2020 йил «____» _______________куни тарқатилди.
(2020 йил «____» _______________ даги _______ рақамли реестр баённомаси).

Ў.А. Розиқов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

Ж.Қ.Адашев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.н., катта илмий ходим

А. Азамов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., академик

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар аралаш эллиптик-гиперболик типдаги тенгламалар учун локал ва нолокал чегаравий масалаларни тадқиқ этиш муҳим эканлигини билдиради. Аралаш типдаги тенгламалар газлар динамикаси ва аэродинамик масалаларни ечишда кенг тадбиқга эга. Ҳозирги вақтда дунёнинг кўп илмий мактабларида нолокал чегаравий масалаларни, шу жумладан чегаравий шартларда каср тартибли интеграллаш ва дифференциаллаш оператори иштирок этган масалаларни ечиш йуналишлари кенг ривожланмоқда.

Нолокал чегаравий масалалар назариясига бўлган эътибор хусусий ҳосилали дифференциал тенгламаларнинг математик физика, химия ва бошқа фанларнинг турли хил масалаларини ечишда муҳим тадбиқларини топганлигидир. Бу масалалар нефт ховзаларини математик моделлаштиришда, ер ости сувларини фильтрлашда, мураккаб тузилишга эга объектларда иссиқлик ва масса алмашинишида, симлардаги электр тебранишларида, ғовак муҳит билан ўралган каналларда суюқлик ҳаракати ва бошқа ҳодисаларда катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда илмий ва амалий тадбиқларга эга бўлган фундаментал фанларга бўлган эътибор янада кучайтирилмоқда. Кўпгина муаммоларни ечиш жараёнида хусусий ҳосилали дифференциал тенгламаларнинг махсус синфини ташкил этувчи сингуляр коэффициентли аралаш типдаги тенгламалар учун чегаравий масалаларни тадқиқ этиш, уларни ечишнинг самарали усулларини топиш муҳим вазифалардан бири саналади. Математик фанларнинг устувор йўналишлари бўйича, асосан, математик физика ва хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар, ҳамда амалий математика ва математик моделлаштириш бўйича ҳалкаро стандартлар даражасидаги илмий ишлар олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Математика институти фаолиятининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади[1]. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида аралаш типдаги тенгламалар назариясини ривожлантириш, улар учун коррект локал ва нолокал чегаравий масалаларни тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисидаги» Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789 «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909 «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682 «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги №292 «Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

амалиётга жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 9 июлдаги №ПҚ-4387 "Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги , 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон "Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив –ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи[2]

Аралаш типдаги тенгламалар учун локал ва нолокал чегаравий масалалар бўйича илмий изланишлар етакчи хорижий давлатларнинг илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: Technical University Bergakademie Freiberg (Германия), Vilnius University (Литва), Universita degli Studi di Torino (Италия), University of Deusto, University of Santiago de Compastela (Испания), Institut de Mathematiques, Universite de Bordeaux (Франция), University of California, University of Maryland (США), Кабардин-Балкар давлат университети, Бошқирдстон давлат университети, Шимолий-Шарқий федерал университети, Самара давлат иқтисодиёт университети, Самара давлат университети, Самара архитектура-қурилиш университети, Қозон федерал университети, Орел давлат университети, Тбилиси давлат университети, Москва давлат университети, Россия Фанлар Академияси Математика институти, Новосибирск давлат университети, Беларусь давлат университети, Россия Фанлар академиясининг Кабардин-Балкар илмий маркази амалий математика ва автоматлаштириш институти ва Математика ва математик моделлаштириш институти (Қозоғистон) олиб борилмоқда.

Аралаш типдаги хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар ва улар билан боғлиқ бўлган чегаравий масалалар тадқиқоти бўйича дунёда қатор натижалар олинган, жумладан: аралаш типдаги тенгламалар учун чегаравий масалаларни ечиш назарияси ишлаб чиқилган (Турин университети, Италия); эллиптик-гиперболик типдаги тенгламалар учун максимум принципи исботланган (Москва давлат университети, Россия Фанлар академиясининг

[2] Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: International Journal of Dynamical Systems and Differential Equations, www.inderscience.com.jhome; Boundary value problems, www.link.springer.com.journal; Journal of Ellipric and Parabolic Equations, www.springer.com.journal; Journal of Partial Differential Equations, www.global-sci.org.jpde; Дифференциальные уравнения, www.link.springer.com/journal/10625, манбалар асосида ишлаб чиқилган.

В.А.Стеклов номидаги Математика институти); аралаш эллиптик-гиперболик типдаги тенгламалар учун чегаравий масалалар ўрганилган(Уппсала университети, Швеция; Россия Фанлар академиясининг Кабардин-Балкар илмий маркази амалий математика ва автоматлаштириш институти, Москва давлат университети, Новосибирск давлат университети, Самара давлат университети, Орел, Қозон, Самара давлат университетлари); аралаш ва аралаш-таркибли тенгламалар учун чегаравий масалаларни ечиш усули ишлаб чиқилган (Россия Фанлар академияси Сибирь бўлими Математика институти, Россия Фанлар академиясининг Кабардин-Балкар илмий маркази амалий математика ва автоматлаштириш институти); параболо-гиперболик ва эллиптик-гиперболик тенгламалар учун чегаравий масалаларни тадқиқ қилиш усуллари топилган (Россия Фанлар академияси Сибирь бўлими Математика институти, Россия Фанлар академиясининг Кабардин-Балкар илмий маркази амалий математика ва автоматлаштириш институти; Математика ва математик моделлаштириш институти, Қозоғистон);
каср тартибли хусусий ҳосилали тенгламалар назариясига оид дунёда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор долзарб масалалар ечилган.

Ҳозирги вақтда дунёнинг кўпгина жойларида устивор йуналишларда бир қатор илмий тадқиқодлар олиб борилмоқда, жумладан, реал жараёнларни аниқроқ акс эттирадиган математик моделларни яратиш ва уларни ифодаловчи масалаларни ечиш; чегаравий масалаларни аналитик ечиш усулларини қуриш; сонли моделларнинг турғун алгоритмларини тузиш каби илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аралаш типдаги тенгламалар учун дастлабки фундаментал тадқиқодлар Ф.Трикоми томонидан бажарилган. Кейинчалик бу ишлардан кейин швед олими С.Геллерстедт қаралаётган соҳанинг гиперболик қисмида изланаётган ечимнинг қийматлари тенгламанинг ички характеристикаларида берилган шартлар билан қўйилган чегаравий масалани тадқиқ қилган. С. Геллерстедт масаласи газ динамикаси соҳасида муҳим тадбиқларга эга. Аралаш типдаги тенгламалар учун чегаравий шартларда дастлабки силжишли масалалар В.И. Жегалов ва А.М.Нахушев ишларида батафсил ўрганилган. Бу изланишлардан кейин силжишли масалалар чекли ва чексиз соҳаларда кўпчилик олимлар томонидан тадқиқ қилинган. Хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар назарияси А.В.Бицадзе ва А.А.Самарский ишларидан кейин кенг ривожланишларга эга бўлди. Улар томонидан тенг ўлчовли эллиптик тенгламалар учун янги масалалар баён этилган ва тадқиқ қилинган.

Кейинчалик аралаш типдаги тенгламалар учун чегаравий масалалар назарияси С.П.Пулкин, В.Ф.Волкодавов, М.С.Салахитдинов, Т.Ж.Жўраев, В.Н.Врагов, М.М. Смирнов, Т.Ш.Кальменов, М.Проттер, М.М.Мередов, Е.И.Моисеев, А.П. Солдатов, К.Б.Сабитов, О.А.Репин, А.Н.Зарубин, А.А.Полосин, А.В.Псху, М.А. Садыбеков, М.Мирсабуров, А.К.Ўринов, Б.И.Исломов, А.Хасанов, А.С.Бердышев ва уларнинг шогирдлари томонидан ривожлантирилган. Бузиладиган эллиптик тенгламалар ва аралаш типдаги тенгламалар учун чекли ва чексиз соҳаларда локал ва нолокал чегаравий масалалар М.Х.Абрегов, С.К.Кумыкова, А.М.Нахушев, И.Е.Солодовников, М.А.Усанеташвили, С.Геллерстедт ишларида ўрганилган. Кичик ҳадли сингуляр коэффициентли аралаш типдаги тенгламалар ва бузилиш чизиғига эга бўлган тенгламалар учун чекли соҳаларда чегаравий масалаларни ечишга В.И.Евсин, Х.М.Наджафов, М.Мирсабуров, О.А.Репин ва уларнинг шогирдларининг бир қатор илмий ишлари бағишланган.

Кейинги йилларда бизнинг республикамизда ва хорижий давлатларда кичик ҳадли сингуляр коэффициентли аралаш типдаги тенгламалар учун чегаравий масалалар назарияси фаоллик билан ўрганилмоқда. Эллиптик қисми юқори ярим текисликдан, гиперболик қисми эса қаралаётган тенгламанинг характеристикалари ва абсцисса ўқининг кесмаси билан чегараланган аралаш чегараланмаган соҳада кичик ҳосилалар олдида сингуляр коэффициентга эга бўлган аралаш типдаги тенглама учун Трикоми масаласи Р.С.Хайруллин ишларида ўрганилди. Кичик ҳадли ҳосила олдида сингуляр коэффициентли аралаш эллиптик-гиперболик типдаги тенглама учун эллиптик қисми вертикал ярим полосадан, гиперболик қисми эса характеристик учбурчак ва бузилиш чизиғининг кесмасидан иборат соҳада М.Сайго томонидан киритилган умумлашган каср тартибли операторлар ёрдамида бузилиш чизиғининг кесмасида изланаётган функция кийматини ва тенгламанинг характеристикасида изланаётган функция кийматини боғлайдиган шартлар асосидаги чегаравий масалалар О.А.Репин томонидан батафсил ўрганилган. Сингуляр коэффициентли аралаш типдаги тенглама учун гиперболик қисми вертикал ярим полосадан, эллиптик қисми эса тўғри тўртбурчакдан иборат бўлган соҳада нолокал чегаравий масалалар А.А.Абашкин ишларида атрофлича тадқиқ қилинган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Математика институти илмий-тадқиқот ишлари режасидаги ФА-Ф1-Ф002 рақамли «Типи бузилувчи тенгламалар ва аралаш типдаги тенгламалар учун қўйилган чегаравий масалаларнинг ечилиши ва спектрал хоссалари ва улар билан боғлиқ махсус функцияларни тадқиқ қилиш» , Ф4-ФА-Ф010 рақамли «Хусусий ҳосилали ва сингуляр махсуслиги бўлган дифференциал тенгламалар учун чегаравий масалалар ва эркин чегарали чизиқли бўлмаган масалалар» ва ОТ-Ф4-88 рақамли “Иккинчи ва юқори тартибли аралаш типдаги тенгламалар учун тўғри ва тескари масалаларнинг тадқиқлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сингуляр коэффициентли аралаш эллиптик-гиперболик типдаги тенгламалар учун коррект қўйилган локал ва нолокал чегаравий масалаларни топиш ва уларнинг бир қийматли ечилишини исботлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

сингуляр коэффициентли аралаш типдаги тенгламалар учун бузилиш чизиғининг кесмасида ва чегаравий характеристика қисмида берилган шартлар билан масала ечимининг мавжудлиги ва ягоналигини исбот қилиш;

сингуляр коэффициентли Геллерстедт тенгламаси учун чегаравий характеристиканинг қисмида силжишли чегаравий масалани ўрганиш;

эллиптик-гиперболик типдаги тенглама учун ички характеристикаларда силжишли чегаравий масалаларни тадқиқ қилиш;

аралаш типдаги тенгламаларнинг бир синфи учун бузилиш чизиғида ва параллел характеристикаларда Франкл ва Бицадзе-Самарский шартли чегаравий масаланинг мавжудлиги ва ягоналигини исботлаш;

эллиптик қисми текисликнинг чорагидан ва вертикал ярим полосадан иборат аралаш чегараланмаган соҳаларда сингуляр коэффициентли аралаш эллиптик-гиперболик типдаги тенгламалар учун локал ва нолокал чегаравий масалаларни тадқиқ қилиш.

Тадқиқотнинг объекти кичик хадли сингуляр коэффициентли аралаш эллиптик-гиперболик типдаги тенгламалардан иборат.

Тадқиқотнинг предмети сингуляр коэффициентли аралаш типдаги тенгламалар учун локал ва нолокал чегаравий масалалардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида ўзгарувчиларни ажратиш ва сингуляр интеграл тенгламалар усулларидан ҳамда экстремум принципидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Чегараланмаган соҳада сингуляр коэффициентли аралаш типдаги тенглама учун бузилиш чизиғида ва чегаравий характеристиканинг бўлагида берилган шартлар билан қўйилган чегаравий масаланинг бир қийматли ечимга эга эканлиги исботланган;

Сингуляр коэффициентли Геллерстедт тенгламаси учун чегараланмаган соҳада чегаравий характеристиканинг бўлагида силжишли чегаравий шарт берилган масаланинг ягона ечими мавжудлиги исботланган;

Эллиптик-гиперболик типдаги тенглама учун ички характеристикаларда силжишли шарт берилган масаланинг бир қийматли ечимга эга эканлиги исботланган;

Аралаш типдаги тенгламаларнинг бир синфи учун параллел характеристикаларда ва бузилиш чизиғида Бицадзе-Самарский ва Франкл шартлари берилган чегаравий масала ечимининг мавжудлик ва ягоналик теоремалари исботланган;

Эллиптик қисми текисликнинг биринчи чорагидан иборат чегараланмаган соҳада сингуляр коэффициентли аралаш эллиптик-гиперболик типдаги тенглама учун чегаравий масаланинг бир қийматли ечилиши исботланган;

Аралаш типдаги тенгламаларнинг бир синфи учун ўнг ярим текисликда Франкл масаласининг бир қийматли ечимга эга эканлиги исботланган;

Сингуляр коэффициентли аралаш типдаги тенглама учун эллиптик қисми ярим полосадан иборат чегараланмаган соҳада локал ва нолокал чегаравий масалалар ечимлари мавжуд ва ягоналиги исботланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари сингуляр коэффициентли аралаш типдаги тенгламалар учун чегаравий масалаларни ечиш учун характеристик бўлмаган қисмида Фредголм бўлмаган оператор иштирок этган ва битта яккаланган нуқтада биринчи тартибли махсуслиги бўлган сингуляр интеграл тенгламани регуляризация қилиш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиги математикада қабул қилинган анализ усуллари ва аралаш типдаги тенгламалар учун чегаравий масалалар назарияси қўлланилганлиги, теоремаларнинг қатъий ва тўлиқ исботлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ушбу ишда олинган илмий натижалардан сингуляр коэффициентли аралаш эллиптик-гиперболик типдаги хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар назариясида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Диссертация ишида олинган натижаларнинг амалий аҳамияти илмий натижаларни аралаш типдаги тенгламалар орқали ифодаланадиган физик, техник ва биологик жараёнларни ўрганишда тадбиқ этилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Чегараланмаган соҳаларда сингуляр коэффициентли аралаш типдаги тенгламалар учун локал ва нолокал чегаравий масалалар бўйича олинган натижалар қуйидаги илмий тадқиқот лойиҳаларида жорий қилинган:

Чегараланмаган соҳаларда сингуляр коэффициентли аралаш типдаги тенгламалар учун чегаравий масалаларни ечишга қўлланилган усул ва мунособатлар “ Эктремал жараёнларнинг математик моделларининг аралаш типдаги нолокал дифференциал тенгламалари” (№ 0213-2014-0002, 2016-2018 йиллар, РФА Кабардин-Балкар илмий маркази амалий математика ва автоматлаштириш институти, Россия) бўйича илмий тадқиқот ишларини бажаришда бузиладиган аралаш типдаги тенгламалар синфи учун локал ва нолокал чегаравий масалаларни тадқиқ қилишда қўлланилган. Илмий натижанинг қўлланилиши аралаш типдаги тенгламалар учун локал ва нолокал чегаравий масалаларни самарали тадқик қилиш имконини берган;

Сингуляр коэффициентли эллиптик-гиперболик типдаги тенгламалар учун коррект қўйилган локал ва нолокал чегаравий масалаларни ечиш усуллари асосида олинган натижалар АААА-Б19-219021990010 - 4 рақамли “Тебранишлар системаси назариясида каср ҳисобнинг тадбиқи” (Россия, Витус Беринг номли Камчатка давлат университетининг 01-04\253, 13.12.2020 маълумотномаси) хорижий лойиҳада фойдаланилган. Илмий натижалардан фойдаланиш эллиптик-гиперболик тенгламалар учун янги чегаравий масалаларни ечишга хизмат қилган;

Диссертацияда олинган назарий натижалар Қозоғистон Республикаси фан ва таълим вазирлиги (2018-2020 йй) Хўжа Ахмад Ясави номли Халқаро қозок-турк университети АР05133873 рақамли “Гравиметрияда тадбиқ қилинадиган каср тартибли эллиптик операторларнинг математик модели учун чизиқли бўлмаган тескари масалаларни ечишнинг сонли усуллари ва параллел алгоритмлари” лойиҳаси бўйича илмий тадқиқот ишларини бажаришда фойдаланилган. Хусусан, эллиптик соҳада Дирихле масаласи ечимидан фойдаланиб, аралаш типдаги тенгламалар учун чегаравий масалаларни ечиш усуллари ва мунособатлари каср даражали эллиптик оператордан иборат биринчи тартибли эволюция тенгламаси учун тўғри масалаларни тадқиқ қилишда қўлланилган. Илмий натижаларнинг қўлланилиши эллиптик типдаги тенгламалар учун янги коррект чегаравий масалаларни ечиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 27 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 19 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 48 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестатция комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 21 та илмий мақола, жумладан, 13 таси хорижий журналларда, 8 таси республика журналларида чоп қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 158 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Сингуляр коэффициентли аралаш типдаги тенгламалар учун силжишли чегаравий масалалар”** деб номланувчи биринчи бобида сингуляр коэффициентли аралаш типдаги тенгламалар учун чегаравий масалалар ечилган. Аралаш типдаги тенгламаларнинг бир синфи учун чегаравий ва ички характеристикаларда силжишли масалалар тадқиқ қилинган.

Бу бобнинг биринчи параграфида диссертация асосий натижаларини олиш учун зарур бўлган баъзи бир маълум маълумотлар келтирилган.

Иккинчи параграфда сингуляр коэффициентли аралаш типдаги тенглама учун қаралаётган соҳанинг гиперболик қисмида характеристика бўлагида ва бузилиш чизиғининг кесмасида берилган шартли чегаравий масала ўрганилган. Тадқиқ қилинаётган масала ечимининг ягоналиги экстремум принципи ёрдамида исботланган. Масала ечимининг мавжудлигини исботлаш жараёнида сингуляр интеграл тенгламалар, Винер-Хопф ва Фредгольм интеграл тенгламалар назарияси қўлланилган.

$D = D^{+} \cup D^{-} \cup I$ $z = x + iy$ комплекс текисликнинг соҳаси, бу ерда D^{+} соҳа $y > 0$ ярим текисликдан иборат, D^{-} соҳа эса $y < 0$ ярим текисликнинг чекли соҳаси бўлиб ,

$$(signy)|y|^{m} u_{xx} + u_{yy} + \frac{\alpha_0}{|y|^{1-\frac{m}{2}}} u_x + \frac{\beta_0}{y} u_y = 0, \tag{1}$$

тенгламанинг $A(-1,0)$, $B(1,0)$ нуқталардан чиқувчи AC ва BC характеристикалари ва $y = 0$ тўғри чизиғининг AB кесмаси билан чегараланган, $I = \{(x, y) : -1 < x < 1,\ y = 0\}$ оралиқдан иборат бўлсин. (1) тенгламада m, α_0, β_0 лар ҳақиқий сонлар бўлиб, қуйидаги шартларни қаноатлантиради $m > 0,\ -m/2 < \beta_0 < 1,\ |\alpha_0| < (m+2)/2$.

$\alpha_0 0 \beta_0$ параметрик текисликда қуйидаги тўғри чизиқлар билан чегараланган

$$A_0C_0 : \beta_0 + \alpha_0 = -\frac{m}{2}, \quad B_0C_0 : \beta_0 - \alpha_0 = -\frac{m}{2}, \quad A_0B_0 : \beta_0 = 1,$$

$A_0B_0C_0$ учбурчакни қараймиз ва $T(\alpha_0, \beta_0)$ нуқтанинг бу учбурчакда жойлашиш ўрнига кўра (1) тенглама учун чегаравий масалаларни қараймиз ва тадқиқ қиламиз.

$T(\alpha_0,\beta_0)\in\Delta A_0B_0C_0$ бўлсин.

Қуйидагича белгилашлар киритамиз: $I_1=\{(x,y):-\infty<x<-1,\ y=0\}$, $I_2=\{(x,y):1<x<\infty,\ y=0\}$, $C_0(C_1)$ - $AC(BC)$ характеристиканинг $E(c,0)$ нуқтадан чиқувчи характеристика билан кесишиш нуқтаси, бу ерда $c\in I$ - ихтиёрий фиксирланган сон.

$p(x)\in C^1[-1,c]$- диффеоморфизм $[-1,c]$ кесмани $[c,1]$ кесмага акслантиради, шу билан бирга $p'(x)<0,\ p(-1)=1,\quad p(c)=c$. Ушбу $p(x)=\delta-kx$ чизиқли функцияни мисол сифатида келтирамиз, бу ерда $k=(1-c)/(1+c)$, $\delta=2c/(1+c)$.

TF **масала.** D соҳада қуйидаги шартларни қаноатлантирувчи $u(x,y)$, функция топилсин:

1) $u(x,y)\in C(\bar D)$, бу ерда $\bar D=\bar D^-\cup D^+\cup\bar I_1\cup\bar I_2$,
   ($\bar I_1=(-\infty,-1],\ \bar I_2=[1,\infty)$);
2) $C^2(D^+)$ синфга тегишли ва D^+ соҳада (1) тенгламани қаноатлантиради;
3) D^- соҳада R_1 синфга тегишли умумлашган ечимдан иборат;
4) ушбу тенгликлар бажарилади
$$\lim_{R\to\infty}u(x,y)=0\ ,\ y\geq0,\ R^2=x^2+4(m+2)^{-2}y^{m+2};\qquad(2)$$
5) ушбу чегаравий шартларни
$$u(x,y)\big|_{y=0}=\varphi_i(x)\ ,\ \ x\in\bar I_i,\ i=1,2,\qquad(3)$$
$$u(x,y)\big|_{AC_0}=\psi(x),\quad -1\leq x\leq(c-1)/2,\qquad(4)$$
$$u(p(x),0)=\mu u(x,0)+f(x)\ ,\ -1\leq x\leq c\qquad(5)$$
ва уланиш шартини
$$\lim_{y\to+0}y^{\beta_0}u_y=\lim_{y\to-0}(-y)^{\beta_0}u_y,\quad x\in I/\{c\},\qquad(6)$$
қаноатлантиради, бу лимитлар $x=\pm1,\ x=c$ нуқталарда $1-\alpha-\beta$ дан кичик тартибда махсусликка эга бўлиши мумкин, бу ерда $\alpha=(m+2(\beta_0+\alpha_0))/(2(m+2))$, $\beta=(m+2(\beta_0-\alpha_0))/(2(m+2))$, $f(x)$, $\psi(x)$, $\varphi_i(x)$, $i=1,2$- берилган функциялар , шу билан бирга $f(x)\in C[-1,c]\cap C^{(1,\delta_1)}(-1,c)$, $\delta_1\in(0,1]$, $f(-1)=0$, $f(c)=0$, $\psi(x)\in C[-1,(c-1)/2]\cap C^{(1,\delta_2)}(-1,(c-1)/2)$, $\delta_2\in(0,1]$, $\psi(-1)=0$, $\mu-$ ўзгармас сон, $\varphi_i(x)$ функцияларни $x=-1$, $x=1$ нуқталар атрофида $\varphi_1(x)=(1+x)\tilde\varphi_1(x)$, $\varphi_2(x)=(1-x)\tilde\varphi_2(x)$ кўринишларда ифодалаймиз ва $[-N,-1]$, $[1,N]$, $N>1$ ихтиёрий кесмаларда Гёльдер шартини ва барча етарлича катта $|x|$ ларда $|\varphi_i(x)|\leq M|x|^{-\delta}$ тенгсизликни қаноатлантиради, бу ерда δ,M - мусбат ўзгармас сонлар.

D^- соҳада (1) тенглама учун ушбу $\lim\limits_{y\to-0}u(x,y)=\tau(x)$, $x\in\bar I$, $\lim\limits_{y\to-0}(-y)^{\beta_0}u_y=\nu(x)$, $x\in I$, бошланғич шартларни қаноатлантирувчи шакли ўзгарган Коши масаласининг ечими ушбу

$$u(x,y)=\gamma_1\int_{-1}^{1}\tau\left(x+\frac{2t}{m+2}(-y)^{(m+2)/2}\right)(1+t)^{\beta-1}(1-t)^{\alpha-1}dt+$$
$$+\gamma_2(-y)^{1-\beta_0}\int_{-1}^{1}\nu\left(x+\frac{2t}{m+2}(-y)^{(m+2)/2}\right)(1+t)^{-\alpha}(1-t)^{-\beta}dt, \qquad (7)$$

Дарбу формуласи билан ифодаланади, бу ерда $\gamma_1=\dfrac{\Gamma(\alpha+\beta)2^{1-\alpha-\beta}}{\Gamma(\alpha)\Gamma(\beta)}$,

$\gamma_2=-\dfrac{\Gamma(2-\alpha-\beta)2^{\alpha+\beta-1}}{(1-\beta_0)\Gamma(1-\alpha)\Gamma(1-\beta)}$, $\Gamma(z)$ – Эйлернинг гамма функцияси.

Агар $\tau(x)$ ва $\nu(x)$ функциялар $(-1,1)$ оралиқда узлуксиз функциялар бўлса, (7) кўринишдаги ифодани $y<0$ да (1) тенгламанинг умумлашган ечими деб атаймиз. Умумлашган ечим бирор силлиқликка эга бўлиши учун $\tau(x)$ ва $\nu(x)$ функциялар бирор аниқликда силлиқликка эга бўлиши зарур.

R_1 **синф.** Агар $\tau(t)$ функция $-1\le t<1$ да $\alpha_1>1-\beta$ кўрсаткич билан Гёльдер шартини қаноатлантирса, $\nu(t)$ функция эса $-1\le t<1$ да $\alpha_2>\alpha$ кўрсаткич билан Гёльдер шартини қаноатлантирса, $y<0$ да (1) тенгламанинг (7) умумлашган ечими R_1 синфга тегишли бўлади.

Бу параграфнинг асосий натижалари қуйидагича:

1.1-теорема. Ушбу $\varphi_i(x)\equiv 0$, $i=1,2$, $\psi(x)\equiv 0$, $f(x)\equiv 0$, $0<\mu<1$ шартлар бажарилган бўлсин. У ҳолда *TF* масаласи фақат тривиал ечимга эга бўлади.

1.2-теорема. $p(x)=\delta-kx$, $\delta=2c/(1+c)$, $k=(1-c)/(1+c)$ бўлсин. Сўнгра $\alpha_0\le 0$ ёки $\alpha_0>0$ ва $\beta_0>\dfrac{2-m}{4}$, $\mu\in(0,1)$ бўлсин. У ҳолда *TF* масаланинг ечими мавжуд.

Учинчи параграфда сингуляр коэффициентли Геллерстед тенгламаси

$$(signy)|y|^m u_{xx}+u_{yy}+\frac{\beta_o}{y}u_y=0 \qquad (8)$$

учун юқорида кўрсатилган D соҳада силжишли масала ўрганилади. (8) тенгламада m,β_0 лар $m>0, -m/2<\beta_0<1$ шартларни қаноатлантирувчи ҳақиқий сонлардир.

A **масала.** Қуйидаги хоссаларга эга бўлган $u(x,y)$ функция топилсин:

1) $u(x,y)\in C(\bar{D})$, бу ерда $\bar{D}=\bar{D}^-\cup D^+\cup\bar{I}_1\cup\bar{I}_2$;
2) $u(x,y)$ функция $C^2(D^+)$ синфга тегишли ва бу соҳада (8) тенгламани қаноатлантиради;
3) $u(x,y)$ функция D^- соҳада R_1 синфга тегишли умумлашган ечим;
4) ушбу тенгликлар бажарилади

$$\lim_{R\to\infty}u(x,y)=0,\ y\ge 0,\quad R^2=x^2+4y^{m+2}/(m+2)^2; \qquad (9)$$

5) $u(x,y)$ функция ушбу чегаравий шартларни

$$u(x,y)\big|_{y=0}=\varphi_i(x),\quad \forall x\in\bar{I}_i,\ i=1,2, \qquad (10)$$

$$u[\theta_0(x)]+\mu u[\theta_1(p(x))]=\psi(x) \quad , \quad -1\le x\le c, \tag{11}$$
$$u(p(x),0)=\rho u(x,0)+f(x), \quad -1\le x\le c \tag{12}$$

ва уланиш шартини

$$\lim_{y\to+0} y^{\beta_0}u_y=\lim_{y\to-0}(-y)^{\beta_0}u_y, \qquad x\in I\setminus\{c\}, \tag{13}$$

қаноатлантиради, бу лимитлар $x=\pm1, x=c$ да $1-2\beta$ дан кичик тартибда махсусликка эга бўлиши мумкин, бу ерда $\beta=(m+2\beta_0)/(2(m+2))$, $\psi(x), f(x), \varphi_i(x)$ лар эса берилган функциялар, $\theta_0(x_0)$ ва $\theta_1(x_0)$ лар мос равишда AC ва BC характеристикаларнинг $(x_0,0), x_0\in I$ нуқтадан чиқувчи характеристика билан кесишиш нуқтасининг аффикслари бўлиб,

$$\theta_0(x_0)=\frac{x_0-1}{2}-i\left[\frac{(m+2)(1+x_0)}{4}\right]^{2/(m+2)}, \qquad \theta_1(x_0)=\frac{1+x_0}{2}-i\left[\frac{(m+2)(1-x_0)}{4}\right]^{2/(m+2)}$$

кўринишларга эга.

Қуйидаги теорема ўринли:

1.3-теорема. Ушбу $p(x)=\delta-kx$, $\delta=2c/(1+c)$, $k=(1-c)/(1+c)$, $\varphi_i(x)\equiv0$, $i=1,2$, $\psi(x)\equiv0$, $f(x)\equiv0$, $0<\rho<1$, $\mu\ge0$ шартлар бажарилган бўлсин. У ҳолда A масаласи фақат тривиал ечимга эга бўлади.

1.4-теорема. Ушбу $p(x)=\delta-kx$, где $k=(1-c)/(1+c)$, $\delta=2c/(1+c)$, $k^{1/2-\alpha}\rho+k^{\alpha-1/2}\mu<1$, $0\le\mu\le1$, $0<\rho<1$, $\alpha=\dfrac{1-\beta_0}{2(m+2)}$ шартлар бажарилган бўлсин. У ҳолда A масаласининг ечими мавжуд.

Тўртинчи параграфда EC_0 ва EC_1 ички характеристикаларда силжишли шартли ва $y=0$ бузилиш чизиғининг AB кесмасида локал силжишли шартли янги чегаравий масала тадқиқ қилинган. Юқорида кўрсатилган D соҳада (8) тенгламани қараймиз.

GN **масала.** D соҳада қуйидаги шартларни қаноатлантирувчи $u(x,y)$ функция топилсин:

1) $u(x,y)\in C(\bar D)$, бу ерда $\bar D=\bar D^-\cup D^+\cup\bar I_1\cup\bar I_2$;
2) $u(x,y)$ функция $C^2(D^+)$ синфга тегишли ва бу соҳада (8) тенгламани қаноатлантиради;
3) $u(x,y)$ функция D^- соҳада R_1 тегишли умумлашган ечимдан иборат ;
4) ушбу тенгликлар бажарилади
$$\lim_{R\to\infty}u(x,y)=0 \ , \ y\ge0, \ R^2=x^2+4(m+2)^{-2}y^{m+2};$$
5) ушбу чегаравий шартларни
$$u(x,y)\big|_{y=0}=\varphi_i(x), \quad x\in\bar I_i, \quad i=1,2,$$
$$u[\theta_1^*(x)]+\mu u[\theta_0^*(p(x))]=\psi(x), \quad -1\le x\le c,$$
$$u(p(x),0)=\rho u(x,0)+f(x), \quad -1\le x\le c$$

ва уланиш шартини $\lim\limits_{y\to+0} y^{\beta_0}u_y=\lim\limits_{y\to-0}(-y)^{\beta_0}u_y$, $x\in I\setminus\{c\}$, қаноатлантиради, шу билан бирга $x=\pm1, x=c$ да бу лимитлар $1-2\beta$ дан кичик тартибда махсусликка эга бўлиши мумкин, бу ерда $\beta=(m+2\beta_0)/(2(m+2))$, $\psi(x), f(x), \varphi_i(x)$ лар берилган функциялар, μ,ρ лар ўзгармас мусбат сонлар, $\theta_1^*(x)$ ва $\theta_0^*(p(x))$ эса мос равишда EC_0 ва EC_1 характеристикаларнинг $(x_0,0)$ ва $(p(x_0),0)$, $x_0\in(-1,c)$ нуқталардан чиқувчи характеристикалар билан кесишиш нуқталарининг координаталари бўлиб, улар қуйидаги кўринишга эга $\theta_1^*(x_0)=\left(\dfrac{c+x_0}{2};-\left(\dfrac{(m+2)(c-x_0)}{4}\right)^{2/(m+2)}\right)$,

$$\theta_0^*(p(x_0))=\left(\frac{c+p(x_0)}{2};-\left(\frac{(m+2)(p(x_0)-c)}{4}\right)^{2/(m+2)}\right).$$

Тўртинчи параграфнинг асосий натижаси қуйидагича:

1.5-теорема. 1.3 теореманинг шартлари бажарилган бўлсин. У ҳолда GN масаласи фақат тривиал ечимга эга.

1.6-теорема. Ушбу $p(x)=\delta-kx$, $k^{\frac{1}{2}-3\alpha}\rho+k^{3\alpha-\frac{1}{2}}\mu<1$, $0\le\mu<1$, $0<\rho<1$, $\beta_0>(1-m)/3$, бу ерда $\delta=2c/(1+c)$, $k=(1-c)/(1+c)$, $\alpha=\dfrac{1-\beta_0}{2(m+2)}$ шартлар бажарилган бўлсин. У ҳолда GN масаласининг ечими мавжуд.

Ушбу бобнинг бешинчи параграфида (8) тенглама учун β параметрнинг $\beta_0=-m/2$ қийматида силжишли масала ечилади.

Ушбу тенгламани

$$(signy)|y|^m u_{xx}+u_{yy}-\frac{m}{2y}u_y=0\,,m>0 \qquad (14)$$

1 – бобнинг 1.2 параграфида кўрсатилган D соҳада қараймиз.

A_1 **масала.** D соҳада қуйидаги шартларни қаноатлантирувчи $u(x,y)$ функция топилсин:

1) $u(x,y)\in C(\bar{D})$, бу ерда $\bar{D}=\bar{D}^-\cup D^+\cup\bar{I}_1\cup\bar{I}_2$;
2) $u(x,y)$ функция $C^2(D^+)$ синфга тегишли ва бу соҳада (14) тенгламани қаноатлантиради;
3) $u(x,y)$ функция D^- соҳада R_1 синфга тегишли умумлашган ечимдан иборат;
4) ушбу тенгликлар бажарилади
$\lim\limits_{R\to\infty}u(x,y)=0,\ y\ge 0,\quad R^2=x^2+4y^{m+2}/(m+2)^2$;
5) $u(x,y)$ функция ушбу чегаравий шартларни

$$u(x,y)\big|_{y=0}=\varphi_i(x),\quad \forall x\in\bar{I}_i,\ i=1,2\,,$$

$$u[\theta_0(x)]+\mu u[\theta_1(p(x))]=\psi(x)\quad ,\quad -1\le x\le c\,,$$

$$u(p(x),0)-u(x,0)=u(c,0)+f(x),\quad -1\le x\le c\,,$$

ва қуйидаги уланиш шартини

$\lim\limits_{y\to+0} y^{-m/2}u_y = \lim\limits_{y\to-0}(-y)^{-m/2}u_y$, $\quad x\in I\setminus\{c\}$ қаноатлантиради, шу билан бирга, бу лимитлар $x=\pm1, x=c$да бирдан кичик тартибда махсусликка эга бўлиши мумкин, $\psi(x), f(x), \varphi_i(x)$ лар берилган функциялар, μ - мусбат ўзгармас сон.

Бу параграфнинг асосий натижалари қуйидаги теоремаларда келтирилган.

1.7-теорема. Ушбу шартлар $\varphi_i(x)\equiv 0,\ i=1,2,\quad \psi(x)\equiv 0,\ f(x)\equiv 0,\ \mu\geq 0$ ўринли бўлсин. У ҳолда A_1 масаласи фақат тривиал ечимга эга бўлади.

1.8-теорема. Ушбу шартлар $p(x)=\delta-kx$, $0\leq\mu<k^{\frac{1}{4}}(1-k^{\frac{1}{4}})$ бажарилган бўлсин, бу ерда $k=(1-c)/(1+c), \delta=2c/(1+c)$. У ҳолда A_1 масаласининг ечими мавжуд.

Диссертациянинг **"Аралаш типдаги тенгламаларнинг бир синфи учун нолокал чегаравий масалалар"** номли иккинчи бобида EC_0 характеристика чегаравий шартдан озод қилинган ва бу етишмайдиган Геллерстедт шарти параболик бузилиш чизиғининг кесмасида локал силжишли ички чегаравий шарт билан алмаштирилган шартлар асосидаги масала ечилган. Чегараланмаган соҳада сингуляр коэффициентли аралаш типдаги тенглама учун Бицадзе-Самарский масаласи типидаги чегаравий масалалар тадқиқ қилинган.

Ушбу бобнинг 2.1 параграфида сингуляр коэффициентли аралаш типдаги тенглама учун бузилиш чизиғида ва ички характеристикада берилган шартлар билан масала ечилган.

Биринчи бобнинг 1.2 параграфида кўрсатилган D соҳада (1) тенгламани қараймиз. $[c,1]$кесмани $[-1,c]$кесмага акслантирувчи $q(x)\in C^1[c,1]$ диффеоморфизмни қараймиз, шу билан бирга $q'(x)<0$, $q(c)=c$, $q(1)=-1$. Бундай функцияларга мисол сифатида ушбу $q(x)=p-kx$ чизиқли функцияни олиш мумкин, бу ерда, $k=\dfrac{1+c}{1-c}$, $p=\dfrac{2c}{1-c}$, $p-k=-1$, $p-kc=c$.

B **масала**. D соҳада қуйидаги шартларни қаноатлантирадиган $u(x,y)$ функция топилсин:

1) $u(x,y)\in C(\bar{D})$, бу ерда $\bar{D}=\bar{D}^-\cup D^+\cup\bar{I}_1\cup\bar{I}_2$;
2) $u(x,y)\in C^2(D^+)$ ва бу соҳада (1) тенгламани қаноатлантиради;
3) $u(x,y)$ функция D^-соҳада R_1 синфга тегишли умумлашган ечимдан иборат;
4) ушбу
   $\lim\limits_{R\to\infty}u(x,y)=0$, $\quad y\geq 0$, $\quad R^2=x^2+4(m+2)^{-2}y^{m+2}$ тенгликлар бажарилади;
5) қуйидаги чегаравий шартларни
   $u(x,y)\big|_{y=0}=\varphi_i(x), \quad x\in\bar{I}_i,\ i=1,2,$
   $u(x,y)\big|_{EC_1}=\psi(x),\ c\leq x\leq(c+1)/2,$

$u(q(x),0)=\mu u(x,0)+f(x)$, $c\le x\le 1$

ва уланиш шартини

$\lim\limits_{y\to+0} y^{\beta_0}u_y=\lim\limits_{y\to-0}(-y)^{\beta_0}u_y$, $x\in I\setminus\{c\}$ қаноатлантиради, шу билан бирга, бу лимитлар $x=\pm1$, $x=c$ бўлганда $1-\alpha-\beta$ дан кичик тартибда махсусликка эга бўлиши мумкин, бу ерда $\alpha=(m+2(\beta_0+\alpha_0))/(2(m+2))$, $\beta=(m+2(\beta_0-\alpha_0))/(2(m+2))$, $f(x)$, $\psi(x)$, $\varphi_i(x)$ - берилган функциялар, шу билан бирга $f(x)\in C[c,1]\cap C^{1,\delta_1}(c,1)$, $\delta_1\in(0,1]$, $f(c)=0$, $f(1)=0$, $\psi(x)\in C^1[c,(c+1)/2]\cap C^{1,\delta_0}(c,(c+1)/2)$, $\psi(c)=0$, $\mu-const$, $\varphi_i(x)$ функцияларни $x=-1$, $x=1$ нуқталар атрофида $\varphi_1(x)=(1+x)\tilde{\varphi}_1(x)$, $\varphi_2(x)=(1-x)\tilde{\varphi}_2(x)$ кўринишида ифодалаймиз ва улар ихтиёрий $[-N,-1]$, $[1,N]$, $N>1$ кесмаларда Гёльдер шартини қаноатлантиради ва барча етарлича катта $|x|$ лар учун $|\varphi_i(x)|\le M|x|^{-\delta}$ тенгсизликни қаноатлантиради, бу ерда $\delta, M-$ мусбат ўзгармаслар.

Қуйидаги теорема ўринли.

2.1-теорема. Ушбу $\varphi_i(x)\equiv0$, $i=1,2$, $\psi(x)\equiv0$, $f(x)\equiv0$, $0<\mu<1$ шартлар бажарилган бўлсин. У ҳолда B масаласи фақат тривиал ечимга эга бўлади.

2.2-теорема. Ушбу $q(x)=p-kx$, $0<\mu<1$, $\beta_0>\dfrac{2-m}{4}$ шартлар бажарилган бўлсин, бу ерда $p=\dfrac{2c}{1-c}$, $k=\dfrac{1+c}{1-c}$. У ҳолда B масаласининг ечими мавжуд.

Ушбу бобнинг 2.2 параграфида (8) тенглама учун биринчи бобнинг 1.2 параграфида кўрсатилган чегараланмаган D соҳада бузилиш чизиғида ва параллел характеристикаларда Бицадзе-Самарский ва Франкл шартлари билан берилган масала ечилган.

FBS **(Франкл, Бицадзе-Самарский) масала.** D соҳада биринчи бобнинг 1.3. параграфида келтирилган A масаланинг 1) - 4) хоссаларидан иборат, (10), (13) шартларни ва қуйидаги чегаравий шартларни

$(1+x)^{\beta}D_{-1,x}^{1-\beta}u[\theta(x)]=\mu(x)(x-c)^{\beta}D_{c,x}^{1-\beta}u[\theta^*(x)]+\psi(x),\quad c<x<1,$

$u(q(x),0)=\mu_0u(x,0)+f(x),\quad c\le x\le1,$ қаноатлантирувчи $u(x,y)$ функция топилсин, бу ерда $f(x)$, $\psi(x)$ – берилган функциялар, шу билан бирга, $f(x)\in C[c,1]\cap C^{1,\alpha_1}(c,1)$, $f(c)=0$, $f(1)=0$, $\mu(x)$, $\psi(x)\in C^1[c,1]\cap C^{1,\delta_0}(c,1)$, $\mu_0=const$, $D_{-1,x}^{1-\beta}$ ва $D_{c,x}^{1-\beta}$ лар Риман-Лиувилл маъносидаги каср дифференциал операторлари, $\beta=(m+2\beta_0)/(2(m+2))$, $\theta(x_0)$ $\left(\theta^*(x_0)\right)$ лар эса C_0C (EC_1) характеристикаларнинг $(x_0,0)$, (бу ерда $x_0\in(c,1)$) нуқтадан чиқувчи характеристика билан кесишиш нуқталари бўлиб, улар

$$\theta(x_0)=\frac{x_0-1}{2}-i\left(\frac{m+2}{4}(x_0+1)\right)^{2/(m+2)},\ \theta^*(x_0)=\frac{x_0+c}{2}-i\left(\frac{m+2}{4}(x_0-c)\right)^{2/(m+2)}$$

кўринишга эга.

Бу параграфнинг асосий натижаларини келтирамиз.

2.3-теорема . Ушбу $\varphi_i(x)\equiv 0,\ i=1,2,\ \psi(x)\equiv 0,\ f(x)\equiv 0,\ 0<\mu_0<1,$ $\mu(x)\leqslant 0$ шартлар бажарилган бўлсин. У ҳолда FBS масаласи фақат тривиал ечимга эга бўлади.

2.4-теорема. Ушбу $q(x)=p-kx,\ \ \mu(x)\le 0\ ,\ 0<\mu_0<1,$ $\mu_0 k^{\frac{1}{2}-3\alpha}(1+2\sin(\beta\pi)\omega(c))<1,\ \ \beta_0>-\dfrac{m-1}{3},$ бу ерда $p=2c/(1-c),$ $k=(1+c)/(1-c),\ \ \omega(c)=1/(1-\mu(c))\ ,\ \beta=\dfrac{m+2\beta_0}{2(m+2)},\alpha=\dfrac{1-\beta_0}{2(m+2)}$ шартлар бажарилган бўлсин. У ҳолда FBS масаласининг ечими мавжуд.

Иккинчи бобнинг 2.3 параграфи (1) тенглама учун унинг параметрлари $m>0$, $1<\beta_0<(m+4)/2$, $|\alpha_0|<(m+2)/2$ шартларни қаноатлантирган ҳолда Бицадзе – Самарский масаласи типидаги масалани ўрганишга бағишланган.

$\alpha_0 0\beta_0$ параметрик текисликда $A_0D_0:\beta_0-\alpha_0=\dfrac{m+4}{2},$ $B_0D_0:\beta_0+\alpha_0=\dfrac{m+4}{2},\ A_0B_0:\beta_0=1$ тўғри чизиқлар билан чегараланган $A_0B_0D_0$ учбурчакни қараймиз ва бу учбурчакда $T(\alpha_0,\beta_0)$ нуқтанинг жойлашиш ўрнига кўра (1) тенглама учун коррект масала ифодалаймиз ва уни тадқиқ қиламиз.

$P(\alpha_0,\beta_0)\in\Delta A_0B_0D_0$ бўлсин.

BC **масала.** D соҳада (1) тенгламанинг чексизликда нулга айланувчи ва қуйидаги чегаравий шартларни

$$\lim_{y\to+0} y^{\beta_0-1}u(x,y)=\phi_i(x),\quad \forall x\in\bar{I}_i,\quad i=1,2,$$

$$D^{\bar{\alpha}}_{-1,x}u[\theta_0(x)]=a(x)\tau(x)+b(x),\quad -1<x<1,$$

ва ушбу уланиш шартини

$$\lim_{y\to+0} y^{2-\beta_0}\frac{\partial}{\partial y}(y^{\beta_0-1}u(x,y))=\lim_{y\to-0}(-y)^{2-\beta_0}\frac{\partial}{\partial y}((-y)^{\beta_0-1}u(x,y)),\ x\in I\,,$$

қаноатлантирувчи регуляр ечими топилсин, бу ерда $\tau(x)=\lim\limits_{y\to 0}|y|^{\beta_0-1}u(x,y)$.

Бу лимитлар $x=\pm 1$ да $1-\bar{\alpha}-\bar{\beta}$ дан кичик тартибда махсусликка эга бўлиши мумкин, бу ерда $\bar{\alpha}=(m+2(2-\beta_0+\alpha_0))/(2(m+2)),\ \bar{\beta}=(m+2(2-\beta_0-\alpha_0))/(2(m+2)),\ a(x)$, $b(x)$, $\phi_i(x),\ i=1,2$ – берилган функциялар, шу билан бирга $b(x)\in C[-1,1]\cap C^3(-1,1),\ b(-1)=0,\ b(1)=0,\ \phi_i(x),\ i=1,2$ лар узлуксиз функциялар бўлиб, $x=-1$, $x=1$ нуқталар атрофида нулга айланади ва барча етарлича катта $|x|$ лар учун ушбу $|\phi_i(x)|\le M|x|^{-\delta_1}$ тенгсизликни қаноатлантиради, бу ерда $\delta_1,\,M$ – мусбат ўзгармас сонлар, $D^{\bar{\alpha}}_{-1,x}$ – Риман-Лиувилл маъносидаги каср дифференциал оператори, AC

характеристиканинг $(x_0, 0)$, (бу ерда $x_0 \in (-1,1)$) нуқтадан чиқувчи характеристика билан кесишиш нуқтаси эса

$$\theta_0(x_0) = \left(\frac{x_0 - 1}{2}; -\left(\frac{m+2}{4}(x_0+1) \right)^{\frac{2}{m+2}} \right)$$ дан иборат.

Бу параграфнинг асосий натижаси қуйидаги теоремада ифодаланган.

2.5-теорема. Ушбу $-\frac{m+2}{2} < \alpha_0 \le 0$, ёки $0 < \alpha_0 < \frac{m+2}{2}$, $\beta_0 < \frac{m+6}{4}$, $a(x) \in C[-1,1] \cap C^3(-1,1)$, $a(1) \le 0$ шартлар бажарилган бўлсин. У ҳолда BC масаласи бир қийматли ечилади.

Теореманинг исботи интеграл тенгламалар усули билан олиб борилади.

Диссертациянинг “**Эллиптик қисми текисликнинг биринчи чорагидан иборат соҳаларда аралаш типдаги тенгламалар учун чегаравий масалалар”** номли учинчи боби эллиптик қисми текисликнинг биринчи чорагидан иборат соҳада аралаш типдаги тенгламалар учун нолокал чегаравий масалаларнинг ечимга эга бўлиш масалаларини тадқиқ этишга бағишланган. Интеграл тенгламалар усули ёрдамида аралаш типдаги тенгламаларнинг бир синфи учун ўнг ярим текисликда Франкл масаласининг бир қийматли ечимга эга эканлиги исботланган.

Ушбу бобнинг 3.1 параграфида $D = D^+ \cup D^- \cup I$, бу ерда, $D^+ -$ текисликнинг очиқ биринчи квадранти, D^- эса

$$(signy)u_{xx} + u_{yy} + \frac{\beta_0}{y}u_y = 0 \tag{15}$$

тенгламанинг $O(0,0)$, $B(1,0)$ нуқталардан чиқувчи OC ва BC характеристикалари билан ва $y = 0$ тўғри чизиғининг OB кесмаси билан чегараланган, $I = \{(x, y): 0 < x < 1, y = 0\}$ кўринишга эга бўлган соҳада (15) тенглама учун нолокал чегаравий масала ўрганилган. (15) тенгламада β_0 ихтиёрий ҳақиқий сон бўлиб, $0 < \beta_0 < 1$ шартни қаноатлантиради.

Ушбу белгилашларни киритамиз: $I_0 = \{(x, y): 0 < y < \infty, x = 0\}$, $I_1 = \{(x, y): 1 < x < \infty, y = 0\}$, C_0 ва C_1 лар мос равишда OC ва BC характеристикаларнинг $E(c,0)$, нуқтадан чиқувчи характеристика билан кесишиш нуқталари, бу ерда $c \in I$ $-$ ихтиёрий фиксирланган сон.

$p(x) \in C^1[0,c]$ диффеоморфизм $[0,c]$ кесманинг барча нуқталарини $[c,1]$ кесманинг барча нуқталарига акслантирсин, шу билан бирга $p'(x) < 0$, $p(0) = 1$, $p(c) = c$ бўлсин. Мисол сифатида $p(x) = 1 - kx$ чизиқли функцияни келтирамиз, бу ерда $k = (1-c)/c$ га тенг мусбат хақиқий сон.

S **масала.** Қуйидаги хоссаларга эга бўлган $u(x, y)$ функция топилсин:

1) $u(x, y) \in C(\bar{D})$, бу ерда $\bar{D} = \bar{D}^- \cup D^+ \cup \bar{I}_0 \cup \bar{I}_1$;

2) $u(x, y) \in C^2(D^+)$ функция D^+ соҳада (15) тенгламани қаноатлантиради;

3) $u(x, y)$ функция D^- соҳада R_1 синфга тегишли умумлашган ечимдан иборат;

